



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

2023 йил — ИНСОНГА ЭЪТИБОР ВА СИФАТЛИ ТАЪЛИМ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2023 йил 22 декабрь, № 273 (8616)

Жума

Сайтимизга ўтиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



Кўп қиррали ҳамкорликни кенгайтириш муҳимлиги қайд этилди

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 21 декабрь куни ташриф билан мамлакатимизда бўлиб турган Қирғиз Республикаси ташқи ишлар вазири Жээнбек Кулубаевни қабул қилди.



Ўзбекистон билан Қирғизистон ўртасидаги дўстлик, яхши қўшничилик ва кенг кўламли стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлаш, уларни аниқ мазмун билан бойитиш масалалари кўриб чиқилди.

Учрашув аввалида ташқи ишлар вазири Жээнбек Кулубаев давлатимиз раҳбарига Қирғиз Республикаси Президенти Саидр Жапаровнинг салом ва энг эзгу тилакларини етказди.

Ўзбекистон етакчиси кейинги йилларда икки томонлама ҳамкорлик юксак даражага чиққани ва сермаҳсул тус олганини, шу жумладан, парламентлар, ҳукуматлар, ҳудудлар, жамоатчилик ва ишбилармон доиралар даражасидаги мулоқот ва алмашинувлар анча фаоллашганини катта мамнуният билан қайд этди.

Ҳукуматлараро комиссия самарали фаолият юритмоқда. Ўзбекистон — Қирғизистон тараққиёт фонди ишга туширилди. Товар айирбошлаш ва юк ташини ҳамкорлик ортмоқда, машинасозлик, электротехника, тўқимачилик, қишлоқ хўжалиги ва бошқа тармоқларда кооперация лойиҳалари амалга оширилмоқда. Қўшма маданий-гуманитар тадбирлар мунтазам равишда ўтказиб келинмоқда.

Фаол сиёсий мулоқотни давом эттириш ҳамда устувор дастур ва лойиҳаларни, шу жумладан, Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон темир йўли қурилишини жадаллаштириш муҳимлиги алоҳида таъкидланди.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

Ўзбекистон Президенти Миср етакчисини сайловдаги ишончли ғалабаси билан табриқлади

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 21 декабрь куни Миср Араб Республикаси Президенти Абдулфаттоҳ ас-Сиси билан телефон орқали мулоқотда уни Президент сайловида қозонган ишончли ғалабаси билан самимий қутлади.

Сайловчиларнинг фаол иштироки ва овоз бериш натижалари дўст Миср халқи амалдаги давлат раҳбарининг сиёсати ва ислохотлар дастурини кенг қўллаб-қувватлаётганидан далолат экани қайд этилди.

Ўзбекистон — Миср кенг кўламли шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлаш ва кўп қиррали ҳамкорликни кенгайтириш масалалари кўриб чиқилди.

Жорий йил февраль ойида Қоҳирага олий даражадаги ташриф доғомидида эришилган келишувларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилди.

Ў.А.

СЕНАТОРЛАР ТОМОНИДАН БИР ҚАТОР ТАКЛИФЛАР ИЛГАРИ СУРИЛДИ

Куни кеча бўлиб ўтган Олий Мажлис Сенатининг қирқ саккизинчи ялпи мажлисидан ўрин олган ҳар бир масалага сенаторлар масъулият ҳисси билан ёндашди. Негаки, мазкур масалалар мамлакатимизда олиб борилаётган илғим ислохотлар жараёнига янги суръат беришга йўналтирилгани билан алоҳида эътиборга молик. Сенаторлар улардан айримларининг мазмун-моҳияти ҳамда аҳамияти хусусида шундай фикр билдирди.

Фикр

Дарахт кесганлик учун жавобгарлик кучайтирилмоқда
Борий АЛИХОНОВ, Олий Мажлис Сенатининг Оролбўйи минтақасини ривожлантириш масалалари ва экология кўмитаси раиси:

— Кескин иқлим ўзгаришлари кузатилаётган ҳозирги пайтда табиатни асраб-авайлаш ҳамда яшил ҳудудларни кенгайтириш ҳар қачонгидан муҳим аҳамият касб этмоқда. Шундан келиб чиқиб, кейинги йилларда юртимизда бу масалага катта эътибор қаратилмоқда. Аниқ айтганда, аҳоли пунктларини кўкаламзорлаштириш, дарахтлар ва буталарни муҳофаза қилиш, шунингдек, яшил зоналарни кенгайтириш бўйича кенг кўламли ишлар олиб борилаётган.

Ялпи мажлисда сенаторлар томонидан маъқулланган “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун ана шу мақсадга йўналтирилганлиги билан алоҳида аҳамиятга эга.

Гап шундаки, кўрилаётган чора-тадбирларга қарама-қарши ҳаётнинг шакллари ва ҳаётнинг ўсимлиги дунёси объектларига нисбатан таъжубкор хатти-ҳаракатлари, жумладан, дарахтларнинг қонунга хилоф равишда кесилиши билан боғлиқ ҳолатлар кузатиляпти.



ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ТАҚСИМОТИДА ҚАНДАЙ ЎЗГАРИШЛАР БОР?

Олий Мажлис Сенатининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари кўмитаси томонидан Худудий вакиллик органлари фаолиятини ўрганиш маркази билан ҳамкорликда маҳаллий Кенгашларнинг маҳаллий бюджет, иқтисодий ислохотларни амалга ошириш, инвестиция ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссиялари учун семинар ўтказилди. Мазкур тадбир “2024 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги қонуннинг мазмун-моҳиятини тушунтиришга бағишланди.

Семинар

Қайд этилганидек, Давлат бюджетининг 2024 йил учун параметрлари, бюджет таққилиғи миқдорлари жаҳон иқтисодиётидаги ноангиликлар ва геосиёсий вазиятнинг мамлакатимиз иқтисодиётига таъсири юмшатиш ва ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолини давлат томонидан қўллаб-қувватлашни янада кучайти-

риш сингари омилларни эътиборга олган ҳолда ҳисоб-китоб қилинган.

Ўзбекистон Республикаси консолидациялашган бюджетининг 2024 йилги даромадлари 375 триллион сўм ва харажатлари 427,6 триллион сўм, таққилиғи 52,6 триллион сўм ёки ЯИМга нисбатан 4 фоиз миқдорда белгиланмоқда.



Сайлов ва референдум ўтказиш: ДЕМОКРАТИК ҚОИДАЛАР ВА ЯНГИЧА ЁНДАШУВ

Шу йил 18 декабрь куни Президент Шавкат Мирзиёев томонидан “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига сайлов ва референдум ўтказиш тартибини янада такомиллаштиришга қаратилган ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий Қонунини имзоланди.

Қайд этиш жоиз, мазкур ҳужжат билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари сайловини аралаш сайлов тизими (мажоритар ва пропорционал) асосида ўтказишни, шунингдек, сайлов органларининг марказ-

лашган тизимини шакллантириш, сайлов комиссиялари тизимини мақбуллаштириш, Марказий сайлов комиссияси фаолиятини такомиллаштириш ҳамда сиёсий партиялар томонидан депутатликка номзодлар кўрсатилаётганда аёллар сонининг энг кам миқдорини номзодлар умумий сонининг ўттиз фоизидан қирқ фоизга оширишни назарда тутувчи ўзгариш ва қўшимчалар киритилди.

Мухбиримиз ушбу Конституциявий Қонуннинг аҳамияти, мазмун-моҳияти ҳақида Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари кўмитаси раиси Жаҳонгир ШИРИНОВ билан суҳбатлашди.

Эксклюзив интервью

— Жаҳонгир Жабборович, айтинг-чи, мамлакатимизда сайлов қонунчилигини такомиллаштиришга қандай зарурат бор эди?

— Биламизки, сайловлар орқали ҳар бир фуқаро жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита қатнашади ҳамда ушбу сиёсий жараёнда мамлакат тақдирини бефарқ эмасликларини

намоён қилган ҳолда фаол иштирок этади.

Шу нуқтаи назардан айтганда, фуқароларнинг мамлакат бошқарувида янада кенг қатнашувини таъминлаш мақсадида мамлакатимизда сайлов қонунчилигини изчил такомиллаштириш боришга алоҳида эътибор қаратилди. Бинобарин, янги таҳрирдаги Конституция-мизда ҳам сайлов тизимини такомил-

лаштиришга қаратилган қатор нормалар ўз аксини топди. Айниқса, сайловларни профессионал, очиқ ва демократик тарзда уюштириш ва ўтказиш учун Марказий сайлов комиссиясининг конституциявий мақоми янада мустаҳкамланди. Хусусан, сайлов органларининг вертикаль тизимини яратиш мақсадида Марказий сайлов комиссияси зиммасига нафақат Президент сайлови ёки парламентга сайловни, балки халқ депутатлари Кенгашларига сайловларни ҳам ташкил этиш ва ўтказиш вазифаси юклатилди.



МАЪНАВИЯТ ЧИРОФИ

ИНСОННИНГ ОНГУ ТАФАККУРИНИ ЁРИТАДИ, ҚАЛБИ, ВИЖДОНИНИ УЙФОТАДИ

Тараққиёт, тинчлик-тотувлик барқарорлиги, қўйингки, ҳар қандай эзгу мақсад инсон омили воситасида рўйга чиқади. Соддароқ айтганда, киши салоҳиятли, эртани ўйлайдиган, қалби пок, миллий гурури баянда, виждони уйғоқ, ҳалол бўлса, ўз олдига эзгу мақсадлар қўяди ва уларга астойдил интилиб яшайди. Бошқаларга қайишадди, ўзидан яхши из қолдириш учун ҳаракат қилади. Турли но-пок йўللاردан юрмайди, номига доғ туширмайди.

Президентимиз янги Ўзбекистонни бунёд этишни, учинчи Ренессанс пойдеворини яратишни мақсад қилиб кўяркан, фаолиятининг дастлабки йиллариданоқ иқтисодий тараққиётни таъминлашга қаратилган кенг кўламли чора-тадбирлар билан бирга, янги давр кишини тарбиялаш, одамлар онгу тафаккурини ўзгартириш, ҳаётга қарашларини ислоҳ этиш, миллий гурури юксалтиришни энг долзарб масалалардан бири сифатида ургуллади. Бу йўлда киёси йўқ инкилобий ўзгаришлар амалга оширилиб, қатор қонун, Фармон ва қарорлар имзоланди, кўплаб йиғилиш ва учрашувлар ўтказилди. Уларда маънавий-маърифий ислохотларнинг устувор йўналишлари белгилаб берилди.

Долзарб мавзу



Миллий ўзлик томон дадил қадам

Илгари маънавий-маърифий соҳа ҳақида кўп гапирилса-да, уни ривожлантиришга комплекс ёндашилгани, мавжуд муаммолар илмий таҳлиллар асосида бартаф қилинмагани, етарли маблағ ажратилмагани очиқ тан олинди, ислохотларнинг янги даврида бу масалаларни тўла ҳал этишга киришилди.

Президентимиз қарори билан маънавий-маърифий тарғибот ишларининг мазмун-мун-

дарижасини тубдан яхшилаш, уларнинг кўла-ми ва миқёсини кенгайтириш, тизимда фаолият кўрсатаётган соҳа ходимларининг билим ва малакасини изчил ошириб бориш, туман (шаҳар) даражасидаги ходимлар меҳнатига ҳақ тўлашининг барқарор тизимини йўлга қўйиш, соҳада фаолият юритаётган муассаса ва таш-хилотлар ишини мувофиқлаштириш ҳамда уларнинг самарасини ошириш мақсадида Республика Маънавият ва маърифат мар-кази ташкил этилди.



Хосен ПИЙДОВ ёлган суратлар.

СЕНАТОРЛАР ТОМОНИДАН БИР ҚАТОР ТАКЛИФЛАР ИЛГАРИ СУРИЛДИ

Шу муносабат билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда дарак ва буталарнинг қимматбахо навларини кесишга, қундаков қилишга, шикастлантиришга ёки йўқ бўлишига олиб келадиган лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиққанлик учун маъмурий жавобгарлик белгиланмоқда. Айни чоғда даракларни қонунга хилоф равишда кесганлик, қундаков қилганлик ёки шикастлантирилганлик учун маъмурий жазо чоралари қўйиштирилиб, бир-бирини такрорловчи нормалар чиқариб ташланмоқда.

молиявий санкциялар қўлланилади. Кўриниб турибдики, бу янгиликлар дарак ва буталарни асраб-авайлаш ва пировардида мамлакатимиз бўйлаб яшил ҳудудларни кенгайтиришда қўл келади.

«Йўл хариталари» ижроси қандай таъминланмоқда?

Анвар ТҮЙЧИЕВ, Олий Мажлис Сенатининг Халқаро муносабатлар, таълим иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари кўмитасида доимий асосда ишловчи сенатор: — Олий Мажлис Сенати томонидан юртимиз туман ва шаҳарларини иқтисодий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари ижроси устидан парламент назорати йўлга қўйилган бўлиб, бу ўз самарасини бериб келмоқда. Бунга янги мажлисда Наманган ҳамда Фарғона вилоятлари ҳудудларини иқтисодий-иқтисодий ривожлантиришга қаратилган «Йўл хариталари»нинг ижроси кенг муҳокама қилингани мисолида ҳам кўзатиш мумкин.

Маълум бўлишича, «Йўл хариталари» ижроси доирасида бу вилоятларда салмоқли ишлар бажарилиган. Масалан, жорий йил январь — октябрь ойларида сановат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми Фарғонада 5,2, Наманганда 7,4, хизмат кўрсатиш эса иккала ҳудудда ҳам 10,1 фоизга ўсган. Айни чоғда Инвестиция дастурлари доирасида Наманганда 705,4 млн. долларлик 1072 та, Фарғонада 518,1 млн. долларлик 1016 та лойиҳа ишга туширилган. Айтиш жоизки, ҳар иккала вилоятда ҳам шу сингари ютуқлар талаягина. Аммо муайян камчиликлар борлигиндан ҳам кўз юмиб бўлмайди. Мисол учун, Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида ажратилган кредит маблағлари ўзлаштирилиши Наманган вилоятининг Янги Наманган, Тўрақўрғон ва Косонсой туманларида жуда паст.



Яна бир мисол. Иқтисодий соҳа объектларини иситиш тизими учун кўмир ёқилгиси захирасини яратиш режаси Наманган вилоятининг Учқўрғон, Поп ва Чортоқ туманларида ҳамда Фарғона вилоятининг Марғилон шаҳрида яқунга етказилмаган. Ўз навбатида, сенаторлар томонидан вилоятларда хизматлар соҳасини янада ривожлантириш, паст қувватда ишлаётган сановат корхоналари билан ишлаш, инвестициялар жалб қилиш, экспорт ҳажмини ошириш, аҳолини уй-жой билан таъминлаш, муқобил энергияни хорижий

қилиш, сув тежовчи технологиялар ўрнатилиши юзасидан белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда йўл қўйилган камчиликлар кўрсатиб ўтилди ҳамда бу борада бир қатор таклифлар илгари сурилди. Ўйлашимизки, биргаликдаги сайёҳаракатларимиз ушбу камчиликларни бартараф этиш имконини беради.

«Халқ сўзи».

Олий Мажлис Сенатида ТАЛАБАЛАР УЧУН МАҲОРАТ ДАРСИ

Олий Мажлис Сенатида Тошкент давлат юридик университетининг Давлат бошқаруви кафедраси қошидаги «Амалий иқтисодий» тўғрисидаги «Инвестициявий лойиҳаларни амалга оширишда парламентнинг ўрни» мавзусида маҳорат дarsi ташкил этилди.


Маҳорат дарсини Олий Мажлис Сенатининг Халқаро муносабатлар, таълим иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари кўмитаси раиси Равшанбек Алимов ва сенатор Анвар Тўйчиев олиб борди. Унда талабаларга Олий Мажлис Сенати фаолияти, инвестициявий лойиҳаларни амалга оширишда парламентнинг роли, ратификация қилинган халқаро шартномалар ҳақида маълумот берилди. Шунингдек, машғулот давомида талабалар сенаторлар фаолияти ҳамда қонунларни қабул қилиш жараёни билан боғлиқ ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олиш имконига эга бўлди.

«Халқ сўзи».

Қонунчилик палатаси кўмиталарида

ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИ КЎРИБ ЧИҚИЛМОҚДА

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Сановат, қурилиш ва савдо масалалари кўмитаси томонидан «Ўзбекистон Республикаси Ракобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кўмитасининг фаолияти янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси муҳокамасига бағишланган ишчи гуруҳ йиғилиши ўтказилди.



Қонун лойиҳаси билан асосий фаолияти табиий монополия бўлмаган ҳўжалик юритувчи субъектлар табиий монополиялар соҳасида фаолият олиб борадиган улар табиий монополия субъектлари ҳисобланмаслиги, бунда ушбу ҳўжалик юритувчи субъектлар томонидан нархлар (тарифлар) асосиди оширилиши ёки нотўғри қўлланилиши, тадбиркорлар ва истеъмолчилар ҳуқуқлари ва манфаатларининг камситилиши каби ҳолатларда уларга нисбатан ракобат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талаблари қўлланилиши назарда тутилмоқда.

Шунингдек, иқтисодий таъсир паст ҳолатлар бўйича биринчи марта ҳуқуқбузарлик содир этган тадбиркорлик субъектларига жавобгарлик чораларини қўлламаган ҳолда, профилактик тушунтириш тадбирларини амалга ошириш белгиланмоқда.

Йиғилишда қонун лойиҳасини янада такомиллаштириш, шиш-пурхта ҳолатга келтириш ва маромига етказиш бўйича қатор таклифлар берилди.

Айни вақтда масъул кўмита томонидан ушбу қонун лойиҳаси Қўйи палата мажлисида биринчи ўқишда концептуал жиҳатдан кўриб чиқиш учун тайёрланмоқда.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Инновация ривожланиши, ахборот теги сўлати ва ахборот технологиялари масалалари кўмитаси томонидан «Телекоммуникациялар тўғрисида»ги қонун лойиҳасига бағишланган ишчи гуруҳ йиғилиши ўтказилди.

Мазкур қонун лойиҳаси сиёсий партиялар фракциялари йиғилишларида ҳар томонлама муҳокамалардан ўтказилган, Қонунчилик палатаси мажлисида депутатлар томонидан биринчи ўқишда кўриб чиқилган эди.

Ушбу қонун лойиҳаси билан амалдаги «Телекоммуникациялар тўғрисида»ги Қўйи палата мажлисида ракобат қатор янги нормалар киритилмоқда.

Қонун лойиҳаси телекоммуникация инфратузилмасидан самарали фойдаланиш имкониятини яратиш орқали хизматлар камровини ҳамда сифатини оширишга қаратилган. Интер-

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Парламент ахборот маркази.

Сайлов ва референдум ўтказиш: ДЕМОКРАТИК ҚОИДАЛАР ВА ЯНГИЧА ЁНДАШУВ

Қолаверса, давлат бошқарувида меритократия тамойилларини татбиқ қилиш мақсадида айни бир шахс сурункасига икки мuddатдан ортқ Марказий сайлов комиссиясининг раиси этиб сайланиши мумкин эмаслиги белгиланди.

Айтиш керакки, бундай янги конституциявий нормалар соҳани тартибга солувчи махсус қонунларда ҳам ўз аксини топиши лозим эди. Чунки Бош қомиссимизнинг 16-моддасига мувофиқ, бирорта қонун Конституция нормаларига зид бўлиши мумкин эмас.

Бундан ташқари, мамлакат ҳаётида сиёсий партияларнинг роли ҳамда фуқароларнинг сиёсий фаоллигини ошириш мақсадида аралаш сайлов тизимига ўтиш таклифи анчадан бери илгари суриб келинаётган эди. Бунда Олий Мажлис Қонунчилик палатасига депутатлик ўринининг 50 фоизи мажоритар, яъни ҳозиргидек муайян округлар бўйича энг кўп овоз олган номзодлар сайланиши, қолган 50 фоизи эса пропорционал, яъни анқ бир шахсга эмас, балки партияга овоз бериш орқали, партиялар томонидан кўрсатилган рўйхат асосида номзодлар сайланиши назарда тутилди.

Бундай сайлов тизимида, очигини айтиш керак, партиялар муҳим ўрин тутади. Улар аҳоли билан муносабатларининг таъсирчан ва натижадор бўлишига ҳаракат қилади. Партия ўз дастури орқали халқни ишонтира оласанига, муайян овозга эришади. Бу эса жамиятимизда сиёсий плюрализм бўлишини таъминлайди.

Шу боис бир қатор депутатларимиз ташаббус билан сайлов ва референдум ўтказиш тартибининг янада такомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳаси қўйи палатага киритилди. Биринчи ўқишда концептуал жиҳатдан қабул қилинган лойиҳа зарурат ва ахамиятидан келиб чиқиб, жамоатчилик муҳокамасига ҳам қўйилди. Бизнинг кўмитаси масъулигида ушбу ҳужжатни янада такомиллаштириш, шиш-пурхта ҳолатга келтириш бўйича муайян ишлар бажарилиди. Қизғин тортишувларда билдирилган фирм-мулохазалар, жамоатчилик муҳокамасида турли соҳа вакиллари, ёшлардан тушган таклифлардан келиб чиқиб, қонун лойиҳаси маромига етказилиб, қабул қилинди ва куни кеча давлатимиз раҳбари томонидан имзоланди.

— **Мазкур қонундаги муҳим ўзгаришларга тўхталиб ўтсангиз.** — Ушбу қонун билан Сайлов кодексида ҳамда 7 та қонунга ўзгаришлар ва қўшимчалар киритилди.

Сайловларнинг мажоритар ва пропорционал тизимини назарда тутувчи қондалар Сайлов кодексида ўз ифодасини топди. Жумладан, сайлов округлари етмиш бешта ҳудудий бир мандатли ҳамда ягона сайлов округига бўлинади. Бунда партия рўйхати асосида Қонунчилик палатасига сайловни ўтказиш учун Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудуди ягона сайлов округи ҳисобланади. Яъни Қонунчилик па-

латасининг 75 нафар депутати амалдагидек мажоритар тизим асосида бир мандатли сайлов округларидан, қолган 75 нафари эса партия рўйхати бўйича янги таклиф этилаётган пропорционал тизим асосида ягона сайлов округидан сайланиши белгиланади. Янада аниқроқ айтиладиган бўлса, сайловда овоз беришга келган фуқаронинг қўлида иккита — бирида депутатлик номзодлар, иккинчисида партиялар рўйхати кўрсатилган бюллетень бўлади. Сайловчи шу иккаласидаги ўзига маъқул депутатлик номзодни ва партияни белгилайди.

Эътиборли жиҳати, партия рўйхатида гендер тенглигини таъминлаш мақсадида ҳудди мажоритар тизим бўйича номзодларнинг камида 40 фоизи аёллар бўлиши назарда тутилди.

Яна бир муҳим ўзгариш шуки, ягона сайлов округи бўйича овоз беришда иштирок этган сайловчиларнинг камида етти фоиз овозини олган партия белгиланган тартибда депутатлик ўринларига эга бўлиши ўрнатилди. Агар ҳеч қайси партия камида етти фоиз овозини ўтламаган бўлса, сайлов ўтмаган, деб топилиши белгиланмоқда. Бундан ташқари, ягона сайлов округи бўйича сайловчиларнинг овози асосида депутатлик ўринларини партиялар ўртасида ўқинишнинг аниқ тартиби ўрнатилди. Бунда пропорционал сайлов тизимида етти фоизлик чегарадан ўтган партияларга ёқлаб берилган умумий овозлар сони 75 та депутатлик ўрнига бўлинади ва ундан чиққан рақам сайлов коэффициентини ҳисобланади. Сунгра ҳар бир партияга ёқлаб берилган овозлар сони мана шу сайлов коэффициенти ёқлаб бўлинади. Ундан чиққан сон эса ҳар бир партияга бериладиган депутатлик ўрнига тенг бўлади. Агар яхлит бўлмаган қолдиқ сонлар вуқудда келиб, бунинг натижасида баъзи депутатлик ўринлари тақсимланмасдан қолса, уларни ҳам тақсимлаш тартиби аниқ очиб берилди.

— **Сайлов кодексига «Марказий сайлов комиссияси — ҳудудий сайлов комиссияси — туман ва шаҳар сайлов комиссияси — округ сайлов комиссияси — участка сайлов комиссияси» тузилмаси қайи вертикал тизимни татбиқ этиш кўзда тутилган. Бу нималарни аналтади?**

— Дарҳақиқат, Сайлов кодексига сайлов комиссияларининг вертикал тизимини назарда тутувчи қондалар акс этди. Бунда вилоятлар ва Тошкент шаҳар сайлов комиссиялари ўрнига ҳудудий сайлов комиссиялари тузилиши назарда тутилди. Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловини ҳамда Қонунчилик палатаси депутатлари сайловини ўтказиш бўйича округ сайлов комиссияларини тузиш тартибидан воз келиш ҳамда уларнинг вазифаларини ҳудудий сайлов комиссияларига оқлаш таклиф этилди. Яъни округ сайлов комиссиялари фақат халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлар-



рига сайлов ўтказиш бўйича тузилиши белгиланди. Сайлов комиссияларининг профессионал тарзда иш олиб боришини таъминлаш мақсадида ҳудудий сайлов комиссияларининг уч нафаргача бўлган аъзосининг доимий фаолиятни юритиши белгиланди. Ҳудди шундай, Марказий сайлов комиссиясининг доимий асосида ишловчи аъзолари сони 7 нафардан 9 нафарга оширилган ҳамда жамоатчилик асосида аъзолари фаолиятни тугатилмоқда. Яъни Марказий сайлов комиссиясининг барча 9 нафар аъзоси доимий асосида ишловчи таклиф этилди.

Яна бир муҳим қанда — Марказий сайлов комиссияси Раисининг ваколат мuddати беш йил этиб белгиланди ҳамда айни бир шахс сурункасига икки мuddатдан ортқ бу вазифага сайланиши мумкин эмаслиги ўрнатилди.

Шунингдек, ҳудудий сайлов комиссиялари Марказий сайлов комиссияси томонидан, туман ва шаҳар сайлов комиссиялари эса ҳудудий сайлов комиссиялари томонидан тузилиши белгиланди (амалда улар халқ депутатлари Кенгашлари томонидан тузиладиган). Бунда тегишли халқ депутатлари Кенгашлари номзодларни тавсия қилади. Шу билан бирга, округ сайлов комиссиялари ва участка сайлов комиссиялари ҳам ҳудудий сайлов комиссиялари томонидан тузилиши назарда тутилди.

Сайлов комиссияси аъзоларининг ижтимоий қофолати қучайтириладигани эса эътиборга молик. Хусусан, сайлов комиссиясининг ўз фаолиятини жамоатчилик асосида амалга оширадиган аъзолари сайлов даврида иш беришнинг ташаббуси билан ишдан бўшатилиши ёки уларнинг розилигисиз бошқа ишга ўтказилиши мумкин эмаслиги ўрнатилмоқда.

— **Қонунда Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашлар сайлови натижаларини белгилаш тартиби қандай белгиланди? Шу хусусда ҳам тўхталиб ўтсангиз...**

— Амалдаги қонунчиликда сайловда иштирок этган сайловчилар ярмидан кўпининг овозини олган номзод сайланган ҳисобланарди, яъни мутлақ кўпчилик овоз талаб қилинади. Ушбу талаб Президент қўйилганлари нисбатан тўғри қўлланилган бўлиб, бундан мақсад сайлов ҳуқуқига эга бўлган мамлакат аҳолисининг мутлақ кўпчилиги танлаган шахсина Президент лавозимига муносиб кўрилади. Бундай

амалиёт аксарият хорижий мамлакатларда ҳам мавжуд. Шу билан бирга, бир нечта сайлов округларидан сайланадиган депутатликка номзодларга нисбатан бу каби қондан қайта кўриб чиқиш зарурати мавжуд. Чунончи, бошқаларга нисбатан кўпроқ овоз олган депутатликка номзод сайланмас экан, ўша ҳудуддаги нисбатан кўпчиликнинг фикри ва хоҳиш-истаги амалга ошмай қолади. Шу сабабли бир мандатли сайлов округларида бошқа номзодларга нисбатан кўпроқ овоз олган депутатликка номзод сайланган, деб ҳисобланиши белгиланди. Яъни мутлақ кўпчилик эмас, балки нисбий кўпчилик овози билан депутатлар сайланиши назарда тутилди.

— **Сиёсий партиялар фаолиятини янада қучайтириш муҳим демократик талаблардан саналади. Конституциявий Қонунда уларнинг парламентдаги ролини янада оширишга оид қандай қондалар киритилмоқда?**

— Маълумки, партия рўйхати асосида сайланган депутатлар муайян сайлов округига эга бўлмайди. Бундай депутатлар ва сайловчилар ўртасидаги муносабатларини шакллантириш учун асосий масъулият сиёсий партиялар фракцияси зиммасида бўлади. Шунга мувофиқ «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг регламенти тўғрисида»ги ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида»ги қонунларда партия рўйхати асосида сайланган депутатларнинг сайловчилар билан алоқаси тегишича сиёсий партия фракцияси томонидан белгиланиши мустаҳкамланди.

Таклиф этилган пропорционал сайлов тизимида сиёсий партиялар сайловчиларнинг камида 7 фоиз овозини олган тақдирда, уларга депутатлик ўринлари берилиши назарда тутилди. Шунга мис равишда ҳамда кўппартиявийлик тамойилига содиқ қолган ҳолда ҳам овоз тўлган партияларга ҳам имконият яратиш мақсадида тегишли қонунларда қўйи палатада фракция тузиши мумкин бўлган депутатлар сони тўққиз нафардан беш нафарга туширилиши белгиланди. Шунингдек, сиёсий партиядан кўрсатилган ва Қонунчилик палатасига сайланган депутат фақат шу партия фракциясининг аъзоси бўлиши қатъий ўрнатилди.

Умуман айтганда, ушбу Конституциявий Қонун сиёсий партиялар ва депутатлар ўртасидаги алоқаларнинг мустаҳкамланишига, сиёсий партияларнинг маквеи ҳамда сайлов органларининг профессионалилик даражаси янада ошишига хизмат қилади. Энг муҳими, сайлов ва референдум тўғрисидаги қонунчиликни янги таҳрирдаги Конституциямизга мувофиқлаштириш ва парламентни шакллантиришнинг янги замонавий тизимини йўлга қўйди.

Зиёда АШУРОВА («Халқ сўзи») сўхбатлашди.



ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ТАҚСИМОТИДА ҚАНДАЙ ЎЗГАРИШЛАР БОР?

Шундан Давлат бюджетидаромадлари 270,7 триллион сўм ёки ялпи ички маҳсулотга нисбатан 20,8 фоиз миқдорда прогноз қилинмоқда.

Давлат бюджети ва давлат мақсадили жағнамалари бюджетлари тақчилиги 2024 йилда 3,1 фоиз миқдорда белгиланмоқда, 2025-2026 йилларда эса тақчиллик тегишинча 1,8-2,2 фоизгача пасайиши прогноз қилинаётди.

2024 йил учун Давлат бюджетидаромадлари 312 триллион 921 миллиард сўм миқдорда режалаштирилди. Айтиш лозимки, келгуси йил бюджетида ҳам ижтимоий соҳа харажатлари салмоқли улushi ташкил этади. Харажатларнинг 48 фоиздан ортиги ёки 151,5 триллион сўм ижтимоий соҳага йўналтирилиши кутилмоқда.

Семинарда 2024 йил учун солиқ-божхона сиёсатининг асосий йўналишларига ҳам тўхталиб ўтилди. Хусусан, 2024 йил учун солиқ сиёсатининг асосий йўналишлари — қўшилган қиймат солиғи, фойда солиғи ва айланмадан олинадиган солиқ бўйича айрим имтиёзлар бекор қилиниб, мутлақ суммада белгиланган солиқ ставкаларининг қучилаётган инфляция даражасидан келиб чиққан ҳолда индексация қилиниши белгиланмоқда.

2024 йил 1 апрелдан зарарли газлари юқори бўлган бензинга акция солиғи ставкаси 12 фоизга (оқтан миқдори 91 ва ундан юқори бўлган бензин бундан мустасно) индексация қилинмоқда. Оғир юк машиналари томонидан республика ва маҳаллий даражадаги йўللардан фойдаланишда уларни яроқсиз ҳолга келтириш оқибатида етказилаётган зарарларни қоплаш мақсадида оқ кўтариш қуввати 10 тоннадан юқори автотранспорт воситалари ва тиркамаларининг автотомобил йўллари бўйлаб ҳаракатланиши ҳуқуқи учун йиғим жорий этилмоқда.

Бизнес юритишни содда-лаштириш мақсадида солиқ ҳисоботларини сақлаш ва солиқ мажбурияти бўйича даъво қилиниши беш йиллик мuddати қисқартирилиб, уч йил этиб белгиланмоқда. Бундан ташқари, қишлоқ ҳўжалиги ерларини суғориш ва балиқ еттиштириш учун фойдаланиладиган сув ҳажми, шу жумладан, деҳқон ҳўжаликлари ва қишлоқ ҳўжалигига мўлжалланган ерларга эга бўлган жисмоний шахслар учун солиқ ставкаси 100 сўм миқдорда бўлади.

Тадбир якунида халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари доимий комиссияларига тегишли тавсиялар берилди.

«Халқ сўзи».

ҲАЛОЛЛИК, КОРРУПЦИЯГА НИСБАТАН ТОҚАТСИЗЛИК — УСТУВОР МАҚСАД

Қолаверса, коррупциянинг олдини олишга қаратилган муҳим превентив механизмлар яратилганига, давлат бошқарувида бюрократияни йўқотиш, очкилик ва шаффофликни таъминлаш, давлат хизматларини кўрсатиш сифатини яхшилаш, рақамлаштириш орқали инсон омилини камайтириш борасида амалга оширилган чора-тадбирлар коррупцияга қарши курашиш бўйича давлат сиёсатининг муҳим элементлари бўлиб хизмат қилмоқда.

Коррупцияга қарши курашиш бўйича юксак халқаро муқофот билан тақдирлаш маросимининг пойтхатимизда бўлиб ўтганлигида ҳам рамзий маъно бор. Ушбу муқофот Қатар Давлати Амири шайх Тамим

бин Ҳамд Ол Соний ҳомилигида Қонун устуворлигини таъминлаш ва коррупцияга қарши курашиш бўйича марказ томонидан БМТнинг Гиёҳванд моддалар ва жиноятчиликка қарши курашиш бўшқармаси билан ҳамкорликда ташкил этилган. Мазкур халқаро муқофот 5 та йўналишда топширилади. Шу кунга қадар ушбу маросим тўрт қитъадаги 6 та мамлакатда ўтказилган бўлиб, Тошкент шаҳрида уюштирилган тақдирлаш маросими Ўзбекистонни еттинчи мамлакат сифатида тарихга муҳрлади.

Яна бир жиҳат. Пойтхатимизда халқаро ҳамжамиятнинг коррупцияга қарши курашиш борасидаги сайёҳаракатларини ифодаловчи монумент очилди. Кафти очик қўл кўринишида ушбу композиция

ҳалоллик, коррупцияга нисбатан тоқатсизлики, бутун дунёни унга қарши курашишда бирлашишга даъватини аналтади.

Маросимда давлатимиз раҳбари нутқ сўзлаб, коррупцияга қарши курашиш бўйича сўнгги йилларда амалга оширилган энг муҳим масалаларга тўхталиди. Шунингдек, жаҳон ҳамжамиятига янги Ўзбекистонда коррупцияга қарши курашиш борасида катта режа ва вазифалар қўйилганлиги алоҳида таъкидланди. Бу келгусида коррупцияга қарши курашишда ҳаммамиз учун дастуриламал бўлиб хизмат қилади.

Шу ўринда айтиш керак, мамлакатимиз коррупцияга қарши курашишда ўз

мақсадларига эга. Хусусан, «Ўзбекистон — 2030» стратегиясида ҳам бўйича алоҳида мақсад, хусусан, коррупциявий омиларни бартараф этиш тизимининг самардорлигини ошириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросисиз муносабатни шакллантириш ишларини жадал давом эттириш белгиланди. Уни рўёбга чиқариш бўйича 2030 йилгача эришиладиган мақсадларнинг самардорлик кўрсаткичлари ҳужжатда ўз аксини топди. Жумладан, «Transparency International» халқаро ташкилати томонидан эълон қилинадиган Коррупцияни қабул қилиш индексида камида 500 погонага кўтарилишига эришиш, давлат харидлари тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари талабларини бузиш ҳолатла-

нетдан фойдаланиш имкониятининг кенгайиши эса аҳолининг давлат хизматларидан фойдаланишлари, электрон тижоратни амалга оширишлари ҳамда ўзлари учун зарур бўлган ахборотни излаш, олиш ва тарқатиш сингари конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларининг таъминланишига хизмат қилади.

Ҳозирги кунда қонун лойиҳаси масъул кўмита томонидан иккинчи ўқишга тайёрланмоқда.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Сановат, қурилиш ва савдо масалалари кўмитаси томонидан «Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилиниши муносабати билан «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қўйи палата мажлисида биринчи ўқишда концептуал жиҳатдан кўриб чиқиш учун тайёрланмоқда.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Инновация ривожланиши, ахборот теги сўлати ва ахборот технологиялари масалалари кўмитаси томонидан «Телекоммуникациялар тўғрисида»ги қонун лойиҳасига бағишланган ишчи гуруҳ йиғилиши ўтказилди.

Мазкур қонун лойиҳаси билан амалдаги «Телекоммуникациялар тўғрисида»ги Қўйи палата мажлисида ракобат қатор янги нормалар киритилмоқда.

Қонун лойиҳаси телекоммуникация инфратузилмасидан самарали фойдаланиш имкониятини яратиш орқали хизматлар камровини ҳамда сифатини оширишга қаратилган. Интер-

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Парламент ахборот маркази.

МАЪНАВИЯТ ЧИРОФИ

ИНСОННИНГ ОНГУ ТАФАККУРИНИ ЁРИТАДИ, ҚАЛБИ, ВИЖДОНИНИ УЙФОТАДИ



Давлат раҳбарининг Республика Маънавият ва маърифат кенгашига, Қорақалпоғистон Республикаси Жўрғи Кенгеси Раиси, вилоятлар, Тошкент шаҳар ҳамда туманлар (шаҳарлар) ҳокимлари тегишли равишда ҳудудий кенгашларга жамоатчилик асосида расмий қилиши белгилаб қўйилиши бу жаҳоннинг нечоғли диққат-этиборда эканини яна бир бор кўрсатади.

Президент қарорига мувофиқ, Маънавият ва ижодни қўллаб-қувватлаш мақсадида жамағатимизни таълимий ҳаётдаги ишларни янги боқимчи қўтаришга, Маънавият, аввало, оилада, боғча ва мактабда шакллантирилса, самарали бўлиши инобатга олинган ҳолда, ушбу жамағатимиз маблағлари ҳисобидан бугунги кунда "Узлуксиз маънавий тарбия концепцияси" асосида мактаб-гача таълим, умумий ўрта таълим, ўрта махсус ва олий таълим босқичлари учун методик қўлланмалар, услубий тавсиялар, маънавий-ахлоқий тарбия назарияси ва методикасини бойитишга қаратилган илмий-амалий адабиётлар нашр қилиниб, жойларга етказилмоқда.

Миллий меросимиз, буюқ аجدодларимизнинг жаҳон тамаддунига қўшган улкан ҳиссаларини дунё мекенсиза кенг тарғиб этишга, илм, фан ва таълим уйғунлигини таъминлашга, ёшларга миллий ўзинлигини аниқлашга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилиши. Соҳага "Рақамли тарғибот" тизимини жорий қилиш мақсадида IT-парклар, инновацион марказлар ва фрилансерлар билан ҳамкорликда мобиль иловалар, компьютер ўйинлари, анимация махсулотлари яратилаётган.

Кўйиники, маънавий-маърифий соҳани, адабиёт ва китобхонлиқни ривожлантириш, бу борадаги ишлар самардорлигини оширишга қаратилган ҳар қандай ташаббус, тадбир ва интилиш қўллаб-қувватланмоқда.

Соҳада тарихий бурилиш

Президентимизнинг 2016 йил 30 декабрдаги маъмурининг этики илм-фан намояндалари, академиклар билан учрашуви, 2017 йил 3 августдаги Ўзбекистон ижодкор зиялилари вакиллари билан учрашуви, 2021 йил 19 январдаги маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш, бу борада давлат ва жамоат ташкилотларининг ҳамкорлигини кучайтириш масалалари бўйича ўтказган видеоселектор йиғилиши соҳадаги ислохотларда том маънода янги даврни бошлаб берган тарихий тадбирлар сифатида эсга олинади. Зеро, уларда маънавий-маърифий, илм-фан ва таълим, ижодий ташкилотлар ҳамда соҳанинг тараққиёт стратегияси белгилаб берилди.

Тармок ривожиди яна бир муҳим воқеалик — Президентимиз томонидан 2021 йил 26 мартда "Маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" қарорининг қабул қилинишидир. Мазкур ҳужжатда ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий соҳалардаги янгилашлар жараёнида маънавий-маърифий ислохотларнинг самардорлигига тўсқин бўлаётган қатор муаммоларни бартараф этиш, тизимни тубдан такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари қайд қилинди.

"Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари" ғоясини кенг тарғиб этиш орқали жамятда соғлом дунёқараш ва бунёдкорликни умумийлик ҳаракатга айлантириш, оила, таълим ташкилотлари ва маҳаллаларда маънавий тарбиянинг узвийлигини таъминлаш, тарғибот-ташвиқот ва тарбия йўналишидаги ишларни илмий асосда олиб бориш, соҳа бўйича илмий ва услубий тадқиқотлар самардорлигини ошириш, ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини мустаҳкамлашга қаратилган доимий мониторинг тизимини жорий қилиш, эл-юрт тақдирига лоқайдлик, маҳаллийчилик, уруғ-аймоқчилик, коррупция, оилавий қадриятларга бепандлик ва ёшлар тарбиясига масъулиятсизлик каби иллатларга барҳам беришга қаратилган комплекс чора-тадбирлар белгиланди.

Бугун илм-фан, маданият ва санъат, адабиёт ва бадий ижод соҳаларининг маънавий-маърифий тараққиётдаги таъсирчанлигини янада оширишга қаратилган қатор дастурлар қабул қилинган. Ижодкор зиялиларга доимий гамжурлик кўрсатилмоқда, уларни моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантириш, уй-жой шaroитларини яхшилаш борасидаги ишлар тизимли йўлга қўйилган. Маданият ва спорт муассасалари,

театр ва музейларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга эътибор берилди. Миллий кино ва кутубхоналар тизими янада ривожлантирилмоқда. Мамлакатимиз ҳудудларининг маданий юксалишини таъминлаш, халқ хунармандчилигини қўллаб-қувватлаш бўйича аниқ ва самарали чора-тадбирлар кўриляпти.

Президентимиз ташаббуси билан аънавий тарзда ўтказилаётган Халқаро мақом санъати анжумани, Халқаро бахшичилик санъати фестивали, "Шарқ тароналари" халқаро мусика фестивали, "Буюк Ипак йўли" халқаро фольклор санъати фестивали ҳамда "Рақс сеҳри" халқаро фестивали дунёнинг турли ҳудудларидан маданият ва санъат илосмандлари эътиборини мамлакатимизга тортиш билан бирга, халқимизнинг буюқ аждодлар ва уларнинг бебаҳо меросидан фахрланиш, миллий ғурур ҳиссини оширишда, маданий, бадий савиясини янада юксалтиришда муҳим ўрин тутмоқда.

Беш муҳим ташаббус доирасида болалар мусика ва санъат мактаблари замонавизацияси асосида таъмирланмоқда, зарур чолғулар, асбоб-ускуналар билан таъминланяпти. Уларда турли тўғрақлар очилапти. Буларнинг барчаси асрлар оша аждодлардан авлодларга ўтиб келаётган ноёб санъат намуналарини янада чуқурроқ ўрганиш, кенг тарғиб қилиш, айниқса, ёшлар қалбига уларга нисбатан ҳурмат ва садоқатни шакллантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Шонли ўтмишдан ёрқин келажак сари

Тарихга муносабат ҳақида гап кетганда, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан яқинда пойтахтимизда "Жадидагилар: миллий ўзлик, истиқлол ва давлатчилик ғоялари" мавзусида ўтказилган халқаро конференцияни алоҳида тилга олиш жоиз. Мазкур нуфузли анжуман ўз моҳияти эътиборига кўра ноёб ижтимоий-сиёсий феномен бўлган жадидачилик характери намояндаларининг Марказий Осиё ҳудудига миллий истиқлол, маърифатпарварлик ғоялари тарқалиши, миллий давлатчилик ва минтақавий ўзига хослик, фуқаролик жамятининг ривожлантиришга қўшган улкан ҳиссасини концептуал ҳамда тизимли асосда атрофича ўрганиш, чуқур тадқиқ этишга кенг йўл очиб берди.

Кўни кеча Тошкент шаҳрида Коррупцияга қарши курашиш бўйича юксак халқаро мукофотни топиши маросимининг ўтказилиши, "Tashkent city" халқаро ишбилармонлик маркази ҳудудига жаҳон ҳамжамятининг коррупцияга қарши курашиш борасидаги сайёҳаракатларини ифодаловчи монументнинг очилиши, дунё ахли диққатини жалб қилган ушбу тадбирларда давлатимиз раҳбарининг иштирок этиши ҳам алоҳида аҳамиятга эга.

Авалло, бундай нуфузли анжумани ўтказиш, ўзига хос рамзий моҳият касб этувчи монументнинг пойтахт марказидан жой олиши ҳамма давлатларга ҳам насиб қилган эмас. Бу — коррупцияга қарши курашдаги қатъият, эришилаётган муваффақиятларнинг халқаро эътирофи. Холбуки, Президентимиз таъбири билан айтганда, коррупция бугун инсониятга, жамятлар асосига, иқтисодий тараққиётга зарба берадиган, қонун устуворлигини бузadиган ва халқнинг давлат сиёсатига ишончини кескин суясайтирадиган, демократик институтлар ривожига тўсқинлик қилadиган хатарли таҳдидир ва у барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш борасидаги режаларимизга ҳам жиддий путур етказди.

Коррупцияга қарши кураш ҳақида сўз кетганда, Сингапур тажрибаси, аниқроғи, Лу Куан Юнинг бу борадаги туҳтуларини эсламасдан илож йўқ. Чунки Сингапур Республикаси 1965 йили мустақилликка эришгунига қадар у ерда порахўрлик ва давлат маблағини ўзлаштириш жиддий муаммага айланган эди. Ишга, ўқшга киришдан тортиб бирор масалани ҳал қилиш фақат пора билан ҳал этилган. Янги етакчи сайёҳаракатлари тўғрисида коррупция муаммоси теозорлик билан самарали ечилиди. Сингапурда коррупцияга қарши кураш учта муҳим йўналишга қаратилган. Биринчиси — порахўрларни давлат апаратидан чиқариб юбориш. Иккинчиси — давлат хизматларини максимал даражада соддалаштириш. Учинчиси — аниқланган ҳуқуқбузарлик ҳолатлари бўйича жазо чораларини кучайтириш.

Коррупцияга қарши қатор ишлар амалга оширилди: амалдорлар ротацияси йўлга қўйилди; юқори лавозимдаги амалдорларнинг ўзидан куйи бўғин амалдорларини текшириши шафдоф бўлиши таъминланди; режадаги текширувлар ўрнига тасодий текширувлар жорий этилди; мустақил ОАВ фаолиятини рағбатлантириш таъминланди; ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабар бериувчи фуқаролар билан узвий алоқа тизими яратилди.

Шу билан бирга, амалдорларнинг ойлук маоши кўтарилди, ўз навбатида, ҳокимлик органларига энг яхши мутахассисларни жалб қилиш ва юқори маалаки, моддий жиҳатдан таъминланган давлат хизматчилари қатламини шакллантириш имкони берилди. Мазкур чораларнинг барчаси қутулган са-

мараларни кўрсатди. Давлат органлари хизматчилари порахўрликка ундайдиган ҳолатлардан қутулди.

Сингапурнинг коррупцияга қарши курашиш тажрибаси шундан далолат берадики, биринчи ўринга инсон омилни, унинг маънавий даражаси юксаклиги ва аҳоли ишончи қўйилса, албатта, натижа бўлади. Бугун юртимизда амалга оширилаётган ислохотларда айна шу тамойиллар устувор эканлигига ғувоҳ бўласиз.

Ўзбекистон коррупцияга қарши курашишда Сингапур ва бошқа ривожланган давлатлар, шунингдек, БМТ, Жаҳон банки, Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти каби нуфузли халқаро тузилмалар билан яқин ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Умуман, давлатимиз раҳбари Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Туркий давлатлар ташкилоти саммитлари ҳамда ўнлаб юқори даражадаги халқаро анжуманларда илгари сурган бошқа муҳим тақлиф ва ташаббуслар баробарида айнан инсон ички оламни бойитадиган, жамятда соғлом муҳит, тотувлиқни барқарор этадиган қатор масалаларга ҳам алоҳида ургу бериб келмоқдаки, бу янгиланаётган Ўзбекистоннинг ўзига хос имижига айлиб бормоқда.

Қолаверса, ҳамкор давлатлар билан ўзаро манфаатли муносабатларни ривожлантириш, мустаҳкамлашга қаратилган келишувларда, албатта, маданий, адабий алмашинувлар, театр, кино, китобхонлиқ соҳаларида қатор лоийҳаларни биргаликда амалга ошириш, маданият кунларини ўтказиш ҳам кўзда тутилди.

Илдизи чуқур муаммолар

Албатта, Президентимиз маънавият масаласига бу қадар жон куйдираётгани бежиз эмас. Аввало, жаҳонда глобаллашув жараёнида кучайиб, онгу қалбга қаратилган таҳдид ва хатарлар тобора кенгайиб бормоқда. Бугунги интернет ва ком-

ликда олиб борган ўрганишлари натижасида юртимизнинг турли ҳудудларида жойлашган баъзи АЁҚШларда сотилаётган бензин махсулотлари сифати пастлиги, истеъмолчи тўлов қилган микдордан кам қуйиб берилаётгани ҳолатлари аниқлангани ҳам бу борадаги ҳаётий мисоллардан биридир.

Бошқаларни алдаш, харидорлар ҳақиқа хибнат қилиш, ўз ишига масъулиятсизлик, фибригарлик — буларнинг барчаси маънавийсизлик, нафсни жиловлай олмаслик, ирода-сизлик, очкўзлик, ахлоқсизликдан келиб чиқади.

Айна пайтда ёшлар ўртасида тобора кенг қулоқ ёзаётган "оммавий маданият", дидсизлик, миллий қадриятларга беписандлик, фақат ўзини ўйлаш, меҳнатга, оилага енгил қараш, истеъмолчилик кайфияти, нафсиларини айтганда, маънавийсизликнинг ҳар қандай кўриниши мамлакат ҳавфсизлигига, унинг миллий манфаатларига, соғлом авлод келажига жиддий хатардир. Чунки улар охири-оқибатда жамятини инқирозга олиб келади.

Бу муаммоларни бартараф этиш, умуман, юртимизда амалга оширилаётган ислохотлар муваффақияти халқимизнинг маънавий етуқлик даражаси ва миллий руҳи билан белгиланаркан, демек, маданият, маънавият, маърифат соҳаларини янада равнақ топтириш, зиёлиларимиз фаоллигини ошириш, ёшларимизнинг ақлий саводхонлиги, билими, ижодкорлиги, ташаббускорлиги ва ватанпарварлигини мунтазам юксалтириб бориш энг асосий талаб бўлиб қолаверади.

Шу билан бирга, ҳозирги кунда дунёда кузатилаётган талотумлар, тинчлик-тотувликка таҳдидларнинг ортиб бориши, давлатлар ўртасидаги ўзаро ишончсизлик руҳининг кенгайиши, турли иқтисодий, маънавий бурхонлар жамятимиздаги мавжуд ёндашувларни қайта қўриб чиқишни тақозо этаётгани ҳам шубҳасиз.

“Ўзбекистон коррупцияга қарши курашишда Сингапур ва бошқа ривожланган давлатлар, шунингдек, БМТ, Жаҳон банки, Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти каби нуфузли халқаро тузилмалар билан яқин ҳамкорлик қилиб келмоқда. Умуман, давлатимиз раҳбари Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Туркий давлатлар ташкилоти саммитлари ҳамда ўнлаб юқори даражадаги халқаро анжуманларда илгари сурган бошқа муҳим тақлиф ва ташаббуслар баробарида айнан инсон ички оламни бойитадиган, жамятда соғлом муҳит, тотувлиқни барқарор этадиган қатор масалаларга ҳам алоҳида ургу бериб келмоқдаки, бу янгиланаётган Ўзбекистоннинг ўзига хос имижига айлиб бормоқда.

Самарали ечимлар ва истиқбол

Бугун инсон қалбига йўл топиш, ёшларни миллий қадриятлар руҳида тарбиялаш масалаларига илмий ёндашган ҳолда энг самарадор усул ва услубларни ҳаётга татбиқ этиш ҳар қачонгидан ҳам зарур.

Тўғри, ҳозирги пайтда маънавият мавзусини қамраб олган илмий адабиётлар жуда кўп. Лекин маънавий-маърифий ишларни қандай тарғиб этиш, онгу қалбга синдириш, инсонларнинг ҳаёт тамойилга айлантириш борасидаги умумлаштирилган назария хали тўлиқ, мукаммал ишлаб чиқилмаган.

Савол туғилиши табиий: ҳозирги глобаллашув шароитида ёшлар онгига ёт уснурлар таъсирини қамайтириш, ўзгичлигини йўқотмаслик учун нима қилиш керак?

Авалло, ёш авлод қалбига иммунитетни шакллантириш, уларни маънавий-маърифий жиҳатдан қуроллантириш мумкин. Бунга эса таълим-тарбия ва китобхонлик орқали эришиш мумкин.

Биласизми, инсон ташки муҳит ахборотининг 70 — 80 фоизини 5 ёшга-ча олиб бўлади, тафаккур ва онг ҳам айна шу пайтда шаклланади. Демак, таълимни инсон миёси физиология жиҳатдан етилган 3-4 ёшдан бошлаб ётиқодини мустаҳкам қилиб тарбиялашимиз керак. Ана шунда ҳеч қандай ташки таъсилар унинг онгу тафаккури, қалбига йўл топа олмайд.

Бу борадаги ижтимоий тадқиқотларни, сўровномаларни мунтазам ўтказиб бориш, уларнинг натижаларини илмий доиралар ва кенг жамоатчилик билан муҳокама қилиш мавжуд ҳолатни тўғри аниқлаш ва муаммоларни самарали ҳал этишда ниҳоятда муҳим.

Президентимиз халқимизнинг маънавий уйғониши масаласига алоҳида

ургу бераётган ҳозирги пайтда ҳамма масаланинг ечимини таълимда, илмда кўрмоқда. "Ҳамма сайёҳаракатларимиз тағида таълим бор. Қайси ҳудудга борсам, ёшлар билан, катта-катта корхоналардаги ишчилар билан суҳбатлашаман. Улардан "Сизни нима қийнайдими?" деб сўрасам, билим етишмаслигини айтди. Ривожланган давлатлар бугунги иқтисодиётига қандай эришган? Билим эвазига! Шунинг учун аввалбошдан таълимни яхшилашга ҳаракат қилаямиз", деган эди давлатимиз раҳбари.

Маърифатпарвар жадид боболаримиз таъкидлаганларидек, наҳот — таълимда, наҳот — тарбияда, наҳот — билимда. Чунки барча эзгу мақсадларга билим ва тарбия тўғрисида эришилади. Шунинг учун таълим муассасаларида ҳорижий тиллар, замонавий технологиялар билан бирга, миллий ўзгичлигимизни тимсоли, маънавиятимиз асоси бўлган оила тизимизини ўқитишга янада кучли аҳамият берилиши айна мунтазам.

Инсоннинг ўз қадр-қимматини, ўзгичлигини аниқлаш тарихдан, азалий қадриятлардан куч олади. Шундай экан, бугун таълим муассасаларида тарихни ўқитиш масаласини қайта қўриб чиқиш долзарб. Дарслик ҳамда ўқув қўлланмаларини тузишда ўқувчиларга ўтмиш воқеаликлари ҳақида факт ва рақамларни ёдлашгина эмас, балки улар ҳақида фикр юритиш, қиёслаш, таҳлил қилиш, ҳулоса чиқариш кўникмасини шакллантириш бош мақсад бўлиши шарт.

Мактабларимизда аксарият ўқитувчилар ҳозиргача ҳам эски усулда дарс ўтишни афзал билади, яъни уларнинг таълим бериши ҳамма нарсадан хабардор бўлган бугунги кун ўқувчисини қониқтирмайди. Айримлари ўз устида ишламайди, дарс пайтда ўқувчиларга китобдан мавзунини кўчиртириб, ўзи бутунлай бошқа иш билан банд бўлади. Шу боис тарих, адабиёт, миллий ғоя ва бошқа шу йўналишдаги фанлардан дарс берадиган муаллимларни бугунги замон талаби, кўзлаган эзгу мақсадларимиздан келиб чиққан ҳолда қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш ўзга долзарб бўлиб турибди.

Буюқ аждодларимиз сиймосини таъсирчан гавдалантирадиган, уларнинг ўлмас мероси моҳиятини очиб берадиган қўллаб бадий асарлар, кинокартиналар, ўқув қўлланмалари яратишимиз керак. Бу борада интилишларимиз самараси ўлароқ, "Биринчи Ренессанс алломалари", "Иккинчи Ренессанс алломалари" сингари ўқув қўлланмалари яратганимизни айтиб ўтиш жоиз.

Афсуски, маънавият бўйича олиб бораётган тарғибот-ташвиқот ишларимиз аксарият ҳолларда фақатгина гап-бозлик, баландпарвоз ваъза-маърузалардан иборат бўлиб қоляпти. Оддий халқ уларни ҳазм қилмаляпти. Шунинг учун одамларнинг юрагига етиб борадиган, уларнинг ишончини қозонадиган усул ва услублар жорий этилса, бу борада силжиш бўлиши мумкин.

Фақатгина билимли, ақлли, юксак тафаккур соҳиби бўлган зукко ва етуқ авлодига жамят ҳаётининг барча соҳасини ривожлантиришга, демократик жамят қуришнинг мураккаб вазифаларини ҳал этишга қодир. Шунинг учун улар таълим-тарбиясига эътибор ҳар қанчалик, ҳар соатлик ишимизга айланиши лозим.

Бизда ҳали ҳам айрим раҳбарлар "юқоридан" берилган топшириқларини гина бажаради. Улар итотатўйлик, билимандлик, маънавий қарамлик, билимсизлик қафасидан қутулгани йўқ. Ижодкорлик, ҳар қандай масалага креатив ёндашув, инсон психологиясини чуқур билиш, айниқса, маънавий-маърифий ишларда гоят муҳим. Бугун қуруқ гаплар, тоталитар гоялар билан бирова таъсир кўрсатиш, муаммоларни вазиятлардан қиқши, одамларни ортидан эргаштириш жуда қийин.

Биз интернет ва юксак технологиялар асрида адабиёт, санъат, маданиятнинг ўрни ва таъсирини нафақат сақлаб қолишимиз, балки кучайтиришга эътибор қаратишимиз керак.

Бугун китобхонлик маданиятини ошириш масаласини ҳам шунга айлантириб юбордик. Ўғил-қизларимиз яхши ва сифатли билим олишга эмас, қўриқ-танловда голиб бўлишга қизиқяпти. Шунинг учун уларни китобхонлик-

ка жалб этишнинг бошқа самарали усулларини топишимиз лозим.

"Ўз болангни ўзинг асра!" деган давлат фақат қуруқ шior бўлиб қолмаслигига катта аҳамият бериш зарур. Оила, мактаб ва маҳалла ҳамкорлиги концепцияси амалий ҳаракатга айланиши учун ота-оналарнинг фарзандлари тақдирига муносабатини, маърифат муассасалари иш услубини тубдан ўзгартириш талаб қилинади.

Маданий ҳаётимизда танқидий ёндашув руҳи сезилмайдими. Соғлом танқид, баҳс ва тортишув бўлмаган жойда маънавият ҳам, маданият ҳам, маърифат ҳам бўлмайдими. "Оммавий маданият" таҳдиди фақат Фарбдан кириб келаётгани йўқ. Ўзимиз ҳам бунга юртимизда чоп этилаётган айрим шоу-бизнес нашрлари, китоблар, суратга олинаётган баъзи бебаҳ клип ва кинолар, эфирга берилаётган қўшқич ва рақсалар орқали ёрдам бераймиз. Энг ёмони, бу билан миллатимизни янада тубанроқ жаҳолат ботқоғига ботирамиз.

Маданий марказларда ташкил этилган тўғрақларга болалар қамрови кам. Бу маданият соҳасида ўз ишини пухта биладиган, муаммоларга амалий ечим топадиган фидойи ва малакали кадрлар етишмаслигидан далолат.

Айрим хусусий телеканаллар орқали берилаётган тўғриқиссиз реклама ва клиплар, сийқаси чиққан мавзудаги сериаллар қўллаб ёшларимиз онгини захарламоқда. Эстрада махсули сифатида тақдим қилинаётган баъзи қўшқичларнинг шеърини муаллифнинг ўзи ёзиб, ўзи ижро этади. Аслида у шеър эмас, узоқ-юзоқ сўзлар, гаплар йиғиндиси. Лекин ёшлар шулари қўшқич сифатида қабул қилишмоқда.

Маданият ишларини амалда равнақ топтириш бўйича илмий-тадқиқот институтини ташкил этиш вақти келди. Улар ҳориж тажрибалари ва миллий менталитет уйғунлигидан янги ғоя, ташаббус ва услубий тақлифлар бериб боради.

Маънавият ва маърифат бизнесга айланмаслиги керак. Маданият соҳасида тижоратлашув, шахсий манфаатнинг биринчи ўринга чиқиши, ғоявий-бадий жиҳатдан савёз асарларнинг бозори қаққон бўлиб бораётган эл-юрт тақдирига дахлдор ҳар бир инсонни ташвишга солади.

Онгу қалб учун курашда енгилмас курул

Муҳтасар айтганда, бугун маданият, маърифат, маънавият соҳаларини ривожлантиришга илмий ёндашмасак, кўп нарсани ютқазамиз, ёшларимиз таълим-тарбиясида бўшлиқ пайдо бўлади. Давлатимиз раҳбари куйинги айтгандек, "Илм ва изланиш бўлмаган жойда ҳеч қандай ривожланиш, юксалиш ва умуман, бирор-бир соҳанинг келажига бўлмайдими". Назоратни қатъий қўлга олмасак, навқирон авлод онгини захарлаётган иллатларга қарши оғоҳлик ва ҳушёрлик билан кураш олиб бормасак, бу вақти келиб, ўта оғир оқибатларга олиб келиши мумкинлигини унутмаслигимиз керак.

Бугун илмий-техник тараққиёт шиддатига бирор-бир ўлчов топши мушкул. Айниқса, кейинги йиғирма йилнинг қулайлиқларини инсоният йиғирма асрда эришган ютуқларга қарши тарози палласига қўйсақ, посанги биринчи тарафга оғиди. Бироқ сўнгги ижтимоий воқеалик ушбу тараққиётдан ўз ҳаловатини топган инсон яна қатор муаммо ва ташвишлар гирдобига рўбарў бўлаётганини кўрсатмоқда. Не-не умидлар уйғотган атомнинг кашф этилиши оммавий қирғин, генетика соҳасидаги ютуқлар кўз кўриб, қулқас шитмаган хасталиқлар хуружга йўл очди. Ресурслар учун тинимсиз кураш инсон қалби ресурсларига ҳам дахл этмоқда. Қисқача айтганда, глобал тараққиёт глобал маънавиятнинг эволюциясига таҳдид солаётгани тобора ойдинлашмоқда.

Глобаллашув инсон жисми билан бирга, руҳига ҳам таҳдид солмоқда. Разолатнинг ошқора иш кўриши оддий ҳолга айланиб, унга бепарволик инсон эркинлиги сифатида қабул қилинаётганлиги ҳам афсуски бугуннинг ҳақиқати. Доншмандлар айтгандек, ушбу таназул кўчасидан қиқши учун Фарб узоқ йўл босиши, керак Шарқ эса ортага қайрилиса, қифоя.

Дарҳақиқат, биз комусий алломалар авлодимиз. Юртимиз инсоният тараққиётига бешик бўлган. Аждодларимиз қолдирган бебаҳо мерос, азалий аънаваларимиз, минг йиллик қадриятларимиз халқимизга куч бериши, маддадор бўлиши аниқ. Ахир қонимизда буюқ алломаларнинг генлари бор.

Президентимиз ташаббуси билан очилган Ўзбекистондаги Ислон цивилизацияси маркази, қатор халқаро илмий-тадқиқот муассасаларининг самарали фаолияти онгу қалб учун курашда халқимизни ана шу руҳий таянч, енгилмас курул, кучли иммунитет билан таъминлашга шубҳа йўқ.

Зотан, Президентимиз таъкидлаганидек, инсоният дунёсининг буюқ бир ёриткичи — маънавият чироғи бор. Бу чироқнинг бошқалардан фарқи шуки, у инсоннинг онги ва тафаккурини ёритади, қалби, виждонини уйғотади, одамийлик ҳиссини кучайтиради.

Ўзбекистоннинг янги уйғониш даврини яратишга киришган эканмиз, ҳар бир юртдошимизнинг қалби ва онгидан ана шундай маънавият шуъласи порлаши ва у бизни эзгу ишларга ундаб, юксак масъулият туйғуси билан яшашга даъват этиб туриши зарур.

Б

